

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 12 март, № 50 (5980) Чоршанба

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР

сари дадил интилаётган ёшларимиз учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган




2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада беллашувлари ёш авлодни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ғалабага бўлган интилиш фазилатларини кучайтиришда ўзига хос камолот мактаби вазифасини ўтамоқда. Мазкур спорт ўйинлари мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси талабаларигача, яъни ёш авлоднинг барча вакилларини қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Мусобақаларнинг дастлабки босқичидаёқ минг-минглаб ўғил-қизлар спорт майдонларида ўз имкониятлари, иқтидорларини синайдилар. Кейинги босқичларга қадар янада пухтароқ ҳозирлик кўриб, зафар қучишга ҳаракат қиладилар. Демак, шу орқали соғлом рақобат муҳити юзага келади ва маҳорат тобора сайқалланиб бораверади.*



Яна бир жиҳати, бундай ўйинларга тайёргарлик жараёнида ҳудудларда кўплаб спорт иншоотлари қад ростлайди. Бу яна минглаб ёшларни спортга жалб этиш имконини беради.

Хабарингиз бор, “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинларининг финал босқичига Наманган вилояти мезбонлик қилади. 2000 йилда талабаларнинг Универсиада баҳсларини ўтказиб, катта тажриба тўпланган заминда навбатдаги спорт байрамини ҳам юқори савияда ташкил этишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишлари жадал олиб борилаяпти.

(Давоми 4-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**11 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида шу нарса таъкидландики, мазкур ҳужжат фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган, давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг шаффофлигини, очиқлигини, сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва ундан ташқарида рўй бераётган ҳодисалар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлашга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини оширишга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилашга доир асосий вазифалар белгиланган ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари тартибга солинган.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, депутатлар фикрига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишининг, бундай ахборотни олишга бўлган кафолатни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Ҳар томонлама моддама-модда муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди, у Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Шундан кейин депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Чунончи, “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси аҳолига юридик хизмат кўрсатишга даъват этилган нотариат тизимида кадрлар тайёрлаш ва танлаш масалаларини янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Таклиф этилган тузатишлар нотариал муассасаларнинг фаолиятини янада яхшилашга, пировард натижада улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Бу ҳужжат фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган. Қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари чегараларини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик тизими сифатида “ижтимоий шериклик” тушунчасига таъриф берилган.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

МУНОСАБАТ

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида аёлларимиз мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фаол қатнашаётгани алоҳида эътироф этилди.*

## Эътироф ва эъзоз ифодаси

Дарҳақиқат, аёлларга ғамхўрлик, оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш юртимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини ташкил қилади.

Айниқса, жамиятда аёлнинг ролини ҳамда ижтимоий мақомини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлларимиз камтаринлик, босиқлик, меҳнатсеварлик хислатлари билан ажралиб туради, бошқаларга ўрнак бўлади.

Аёлларимиз бугун республикамизнинг йирик корхоналарини, етакчи меҳнат жамоаларини, вазирликларни, касаба уюшмаларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ўзларининг мана шу хислатлари билан бошқариб келмоқдалар. Улар Олий Мажлис Сенатида, Қонунчилик палатасида ўз ҳудудлари сайловчиларининг манфаатларини илгари сурмоқда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиш орқали мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга салмоқли ҳисса қўшишаётир.

Албатта, она бўлиш ҳар бир аёлнинг бахти ҳисобланади. Бу энг олий мақом, мукофот, айни пайтда масъулият ва юксак шарафдир. Оналар ҳурматини жойига қўйиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис истиқлол йилларида оналик ва болалик ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Соғлом авлод орзусини рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизнинг биринчи — “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди.

(Давоми 2-бетда).

Криста ПИККАТ:

## «НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ ЖОЗИБАСИ ВА НАФОСАТИГА МАФТУНМАН»

*Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста ПИККАТ хоним билан суҳбатлашди.*

*— Пиккат хоним, Наврўз байрами, унинг дунё цивилизациясидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилиши ва 21 март — Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинишида қайси омилларга асосий эътибор қаратилган?*

— Наврўз Марказий, Ғарбий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, Болқон ҳамда бошқа минтақалардаги миллионлаб одамлар томонидан кенг нишонланади. 2009 йилда бу байрам инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди. Мазкур рўйхат турли халқларнинг асрлар давомида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва анъаналари, миллий қадриятларини ўз ичига олган. Бу номоддий маданий мерос ва унинг дунё маданиятидаги ўрнини теран англашга, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш асносида турли халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Чуқур маданий илдизларга эга Наврўз баҳор, янгиланиш, хурсандчилик ва ёшлик айёми ҳисобланади. Бу байрам оила, дўстлар ва жамоатчилик даврасида кенг нишонланади.

*— Сиз юртимиздаги Наврўз тантаналари ва сайилларида иштирок этганмисиз? Бу ҳақдаги таассуротларингиз қандай?*

— Ўзбекистонда фаолият олиб бораётганимга бир йилдан ошди. Ўтган йили Наврўз тантаналарида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлдим. Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган Наврўз байрамининг жозибаси ва нафосатига мафтун бўлиб қолдим.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган хонандаю раққосаларнинг чиқишлари мамлакатингиздаги маданий хилмахилликдан далолат беради. Майдонга йиғилганларнинг барчаси жўр бўлиб куйлагани ва рақсга тушгани мени ғоят тўлқинлантирди.

(Давоми 2-бетда).

Электрон ҳисобот:

## ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси “Солиқ Инфо” газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда корхоналар раҳбарлари ва бухгалтерлари учун ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш бўйича ўқув-тренинг ташкил қилди.

Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида замонавий коммуникация технологияларининг миллий дастурий маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда, давлат статистика, солиқ ва божхона хизматларига юридик шахслар томонидан топшириладиган ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилган эди. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бухгалтерлари учун ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш тизими билан боғлиқ кўникмаларини ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Таъкидланганидек, ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Масалан, бухгалтер ҳисоботни, аввало, қаерда бўлишидан қатъи назар, куннинг исталган вақтида жўнатиши, унинг қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида хабарнома олиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, бунда ҳисоботни такроран қоғоз кўринишда тақдим этиш шарт эмас, ҳисоботларнинг янги шаклларига тезкор кириш мумкин. Маълумотлар эса юз фоиз махфий сақланади.

АНЖУМАН

(Давоми 2-бетда).





**Ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилмоқда**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди.

Халқ сўзи Народное слово


БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мамлакатимизда 2013 йил давомида темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш мақсадлари учун**

**477 миллион АҚШ доллари қийматидаги капитал қўйилмалар йўналтирилди.**

Бу, ўз навбатида, 240 километрлик темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, ўз кучимиз билан 550 та юк ва 30 та йўловчи ташийдиган вагон ишлаб чиқариш имконини берди.



## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, экологик барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда, ушбу механизмлар замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилаяпти. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан ҳам бир қатор ишлар олиб борилаяпти. Мухбиримизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Борий АЛИХОНОВ билан суҳбати қонун ижодкорлиги йўналишидаги чора-тадбирлар ва истиқболдаги режалар ҳақида бўлди.*

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, юртимизда атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш бўйича салмоқли ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётир, — дейди Борий Ботирович. — Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, институционал асослар яратилиб, улар замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаяпти. Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилгани, ундан сайланган депутатларга Олий Мажлис қуйи палатасида 15 та ўрин берилгани бу борадаги ҳуқуқий базани замон талаби асосида такомиллаштириш, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, тегишли қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан парламент назоратини янада кучайтиришга замин яратди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ушбу соҳада фаол иш олиб борилмоқда. Чунончи, ўтган йили Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан 50 га яқин тадбир, жумладан, конференция, семинар, давра суҳбатлари ўтказилгани бунга бир мисолдир. Қолаверса, 4 та янги, 7 та қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси, битта қарор устида иш олиб борилди. Хусусан, қонунчилик ташаббускорлиги асосида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш устида ишлар фаоллик билан олиб борилди. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Айни чоғда ўтган йилда 12 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, олтмишга яқин фуқаролар мурожаатлари маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўрганилди. Шунингдек, депутатлар гуруҳи томонидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди.

*— Ўтган йили "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани, шубҳасиз, муҳим воқеа бўлди.*

— Ҳақиқатан ҳам. Ўтган йил охиридан кучга кирган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган эди.

Маълумки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрлангандан сўнг уни кенг жамоатчиликка етказиш ва чуқур муҳокамадан ўтказиш мақсадида бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, унинг матни матбуотда эълон қилинди, депутатлар, Сенат аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар, олимлар, халқаро экспертлар иштирокида конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Ушбу Қонун асосида давлат органлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ижро этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми яратилди. Айни чоғда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш ва социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишда ННТ, фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

*— Қонун тарғиботи бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?*

— Шуни айтиш кераккки, жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Бугунги кунда шу асосда қатор зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, шу кунларда мамлакатимиз ҳудудларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Экоҳаракат ҳамкорлигида амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда давлат ва хўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларга "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун мазмун-моҳияти, аҳамияти кенг тушунтирилмоқда. Бундай тадбирларда ҳудудий Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, адлия, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, прокуратура, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлимлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Камолот" ЁИҲ, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, экологик ва тиббиёт йўналишидаги ННТ ходимлари, корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари, хуллас, кенг жамоатчилик иштирок этаяпти.

*— Қўмита ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги режалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— Маълумки, давлатимиз раҳбари қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастури Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки мазкур дастуриламал ҳужжатда фаолиятимизга бевосита тааллуқли қатор масалалар, хусусан, жамиятда экологик маданиятни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга оид устувор вазифалар белгилаб берилган. Айни пайтда экологик қонунчиликни янада такомиллаштиришга эътибор кучайтирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга эга турли мақсадли дастурларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаол жалб қилинган. Бу, шак-шубҳасиз, мамлакатимизда ижтимоий шериклик принципларининг қарор топиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ислоҳотлар очиқлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

**Саиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.**

## Криста ПИККАТ:

# «НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ ЖОЗИБАСИ ВА НАФОСАТИГА МАФТУНМАН»

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Бу каби асрий анъаналар халқ, айниқса, ёшлар томонидан кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилиниши ниҳоятда муҳим.

Бу йилги Наврўз байрамини Фарғона водийсида кутиб олиш ниятидаман. Мазкур айём қишлоқларда, аҳоли орасида қандай нишонланишини кўриш иштиёқидаман.

*— Ўзбекистонда миллий маданий меросни асраб-авайлаш, санъат ва маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳада ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Мамлакатингиз маданиятининг бой ва хилмахиллиги боис бу йўналишдаги ишлар Ўзбекистондаги ваколатхонамиз фаолиятининг энг муҳим ва қизиқарли қисмини ташкил этади, десам, муболаға бўлмайди.

ЮНЕСКО фаолияти маданият соҳасидаги қатор ҳужжатларга, хусусан, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (1972 йил), Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияга (2003 йил) асосланади. Бу ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларини асраб-авайлаш, Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатидан жой олган Наврўз, Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула каби маданий мероснинг номоддий элементларини кенг тарғиб этиш, шунингдек, барқарор тараққиётга эришишда маданиятнинг ролини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятимизга асос бўлади.

*— Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни баён қилсангиз.*

— Ўзбекистон Президентининг ҳар бир йилга алоҳида ном бериш ташаббуси ибрат олишга арзигуликдир. Жорий йилда болалар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор тегишли муассасаларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада фаоллаштиришига ишончим комил. Бу баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

**ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.**

## Дастлабки буюртма

*Ўтган йили Марғилон шаҳрида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 38 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.*

### ИНТИЛИШ

Хусусан, "Турон Водий Текс" масъулияти чекланган жамиятига 800 минг АҚШ долларилик сармоя киритилиши эвазига бу ерда йилига 170 тонна калава ипни қайта ишлаб, ундан момиқ сочиқлар тайёрлаш имконияти юзага келди. Эътиборлиси, корхона маҳсулотларига ҳозирданоқ буюртмалар келиб тушаяпти. Жамоа жорий йилда ишлаб чиқариладиган момиқ сочиқларнинг 60 фоизини чет эллик харидорларга етказиб беришни мўлжалламоқда.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 11 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2026,99 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3753,58 |
| 1 Дания кронаси | 417,61 |
| 1 БАА дирҳами | 610,82 |
| 1 АҚШ доллари | 2243,49 |
| 1 Миср фунти | 322,33 |
| 1 Исландия кронаси | 20,07 |
| 1 Канада доллари | 2017,53 |
| 1 Хитой юани | 365,45 |
| 1 Россия рубли | 61,87 |
| 1 Украина гривнаси | 238,98 |
| 1 Малайзия ринггити | 683,57 |
| 1 Польша злотийси | 741,43 |
| 1 СДР | 3481,36 |
| 1 Туркия лираси | 1014,56 |
| 1 Швейцария франки | 2559,02 |
| 1 евро | 3085,19 |
| 10 Жанубий Корея вони | 21,04 |
| 10 Япония иенаси | 217,71 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



# ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

## мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда

*Кальцийлаштирилган сода саноатнинг кўплаб тармоқларида кенг қўлланиладиган хом ашё ҳисобланади. Шу боис жаҳон бозорида унга талаб катта. Айнан шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда, бундан саккиз йил муқаддам юртимизда, бепоён Устюрт кенгликларида йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси ишга туширилган эди.*

### ИСЛОҲОТ

Ўтган йиллар мобайнида ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошди. Дастлабки йили 12 минг 810 тонна, 2012 йилга келиб 92 минг тоннадан зиёд, 2013 йилда эса 96 минг 42 тонна импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулот — кальцийлаштирилган сода тайёрлангани бунинг тасдиғидир.

— Маҳсулотимизга хорижда ҳам талаб йил сайин ортмоқда, — дейди корхона директори Рашид Якубов. — Хусусан, уни шартнома асосида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларига экспорт қилаяпмиз. Албатта, бунга бутун жамоамизнинг, шу жумладан, мутахассисларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилмоқда.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, корхонамиз қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилган. Уни ҳар йили тўртта ихтисослик бўйича 65 нафар бакалавр, 15 нафар магистр тугатиб, жамоамизда фаолиятини давом эттирмоқда.

Шу билан бирга, ишчи-хизматчиларнинг ишдан кейин дам олишлари, саломатликларини тиклашлари, фарзандларининг таълим-тарбия олишлари учун Элобод шаҳарчамизда барча шарт-шароит яратилгани, савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, ошхона, чойхона, замонавий қишлоқ врачлик пункти, ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Бундан ташқари, корхона ишчилари учун 18 хонадонли кўп қаватли битта янги тураржой, намунавий лойиҳалар асосида 30 та уй бунёд этилмоқда, 10 гектарлик боғда 3 минг туп мевали дарахт кўчатлари парваришланиб, 200 бош қўй-эчки боқилаяпти.

— Кальцийлаштирилган содага ички ва ташқи бозорда талаб тобора ошаётганлиги сабабли, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг саноат салоҳиятини ошириш тўғрисида"ги қарорига асосан, "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришни 100 минг тоннадан 200 минг тоннага кўпайтириш режалаштирилган эди, — дея сўзида давом этади Рашид Якубов. — Шу мақсадда "Ўзкимёсаноат" ДАК билан Хитой давлатининг "Ситик" корхонаси ўртасида шартнома имзоланди. Ҳозир унга кўра, тегишли лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.



Ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, шунингдек, корхона қошида янги тикувчилик цехи ишга туширилгани туфайли Элобод шаҳарчасида истиқомат қилаётган 40 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди. Бугунгача эса улар томонидан 198,7 миллион сўмлик буюртмалар бажарилгани диққатга сазовордир.

Қолаверса, бу ерда йилига 10 минг тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилиб, 35 та иш ўрни яратилгани эътиборга молик.

Соғлом бола йилининг дастлабки чорагида эса гиперпрессланган ғишт ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилмоқда. Хитой технологиясига асосланган мазкур лойиҳанинг қиймати 529,1 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, бу йилига 10 миллиард сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрлаш имкони яратилади, деганидир.

Хуллас, Қўнғирот сода заводида амалга оширилаётган ибратли ишлар иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, унинг экспорт салоҳияти юксалиши, пировардида халқимиз турмуши фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Эътироф ва эъзоз ифодаси

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асос яратилди, қатор давлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилди. Пировардида Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели халқаро экспертларнинг муносиб эътирофига сазовор бўлди.

Шу ўринда юртимизда қабул қилинган соғлиқни сақлаш дастурларини рўёбга чиқаришда аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола скрининг тизимини такомиллаштириш, узлуксиз таълимни ривожлантириш, мутахассисларнинг малакаси ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш ушбу йўналишда долзарб вазифа сифатида белгилаб олинди.

Мамлакатимизда энг замонавий стандартларга жавоб берадиган тиббиёт муассасалари тармоғи барпо этилди. Ҳудудларда катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда, янги туғуруқхона мажмуалари қурилди, қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди. Болаларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими яратилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни, аёлларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, уларнинг ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришига шарт-шароит яратиш Ўзбекистон аёлларининг жамият ҳаётидаги барча ўзгаришларда фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу устувор йўналишлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топди.

Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлар келгусида биз — аёлларнинг янада шижоат, куч-ғайрат билан ишлашимизга замин яратади. Бахтиёр аёллар, бахтли қизлар, меҳрибон оналар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнаткашлиги ва бағрикенглиги билан юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камдан-кам топилади.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

## Электрон ҳисобот:

# ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Давлат солиқ хизмати органлари билан электрон тарзда боғланишнинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳисоботни электрон кўринишда жўнатиш кичик камерал назорати вазифасини ҳам ўтайди. Яъни тўлдирилиши шарт бўлган реквизитлар ёзилмаган ҳолдаги ҳисобот жўнатилмайди, бухгалтер томонидан хатога йўл қўйилган тақдирда эса, у автоматик тарзда қайтади.

Яқин-яқингача назорат қилувчи органларга юбориладиган ҳисоботларни айрим идораларнинг сайтлари орқалигина шакллантириш мумкин бўлиб, бу интернетнинг узлуксиз ишлашини талаб қиларди. Ҳисоботларни топширишнинг илғор шаклларидан бири бўлган мазкур усулнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд эди. Хусусан, бунда алоқа тизимидаги носозликлар туфайли нафақат маълумотлар, балки вақт ҳам йўқотилар, энг муҳими, ҳисоботнинг охиригача шаклланиши ва жўнатилишига кафолат йўқ эди. Шу муносабат билан электрон ҳисоботларни топшириш жараёнини янада такомиллаштириш зарурий эҳтиёжга айланганди.

Тренингда ахборот-коммуникация технологиялари тармоғида фаолият юритаётган миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчи гуруҳ томонидан тайёрланган "Ereport" янги инновацион дастурий маҳсулотининг тақдимоти бўлиб ўтди.

"Ereport" дастури, бу — бухгалтернинг ўзига хос иш қуроли бўлиб, у орқали "ягона ойна" тамойили асосида солиқ ва молиявий ҳисоботлар ҳамда Халқ банкига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи реестрларини ҳам жўнатиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, ушбу дастур бухгалтерларнинг ишини енгиллаштириш баробарида, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни ҳам имкон қадар камайтиришга хизмат қилади. Жумладан, унинг "Норматив-ҳуқуқий база" деб номланувчи бўлимида 23 мингдан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари, "Шарҳлар ва мутахассисларнинг тушунтиришлари" бўлимида тадбиркорликка оид энг долзарб ахборотлар мавжудлиги, "Интерактив маслаҳатлар" хизмати орқали эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учрайдиган саволлар юзасидан юқори малакали экспертларнинг тезкор маслаҳатларидан фойдаланиш имконияти бунинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, "Ereport" дастури Тошкент шаҳрида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Бир неча ой ичида у орқали 1 минг 200 тадан ортиқ ташкилот Давлат солиқ хизмати ва Халқ банкига 11 мингдан зиёд ҳисоботларни муваффақиятли тақдим этган бўлса, фойдаланувчиларга 3 мингга яқин тушунтиришлар берилди.

Тренингда электрон ҳисоботларни топширишни такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган бухгалтерлар "Ereport" дастурининг техник имкониятларини янада кенгайтириш ва унинг функциясига Давлат статистика органларига юбориладиган ҳисоботларни ҳам интеграциялашни таклиф этдилар.

Тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бухгалтерлари учун ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этишга бағишланган бундай тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Малайзиянинг "Malaysia Airlines" авиакомпаниясига қарашли "Boeing-777" йўловчи самолётини қидириш ишлари давом эттирилмоқда.*

# Қидирув ишлари давом этмоқда



Жанубий Хитой денгизида олиб борилаётган ушбу тадбирда айни пайтда ўнта давлат вакиллари қатнашаяпти. Мутахассислар лайнер йўқолган ҳудуддаги сув юзасида мой доғларига дуч келишди. Аммо текширувлардан кейин маълум бўлишича, у кемаларга тегишли ёқилғи қолдиқлари экан. Душанба куни ўтказилган матбуот анжуманида Малайзия фуқаро авиацияси бошлиғи қидирув ҳудуди сезиларли даражада кенгайтирилганини билдирди. Чунки самолёт тушган жой ҳали аниқланганича йўқ.

Ўз навбатида, "Boeing-777" ҳалокати билан боғлиқ турли тахминлар ҳам илгари сурилаяпти. Жумладан, ҳаво лайнери террорчилар томонидан ўғирлаб кетилган ёки денгизга ҳаддан зиёд баландликдан қулаб тушган бўлиши мумкин, деган фикрлар билдирилган.

# Савдоси юришмаяпти

*Ўтган ойда АҚШда "McDonald's Corp." ресторанлар тармоғининг савдоси 0,3 фоиз пасайган.*

Шу тариқа мазкур компаниянинг фаолиятида кетма-кет тўртинчи ой ана шундай салбий ҳолат кузатилмоқда.

Экспертларнинг изоҳлашича, мамлакатда ҳукм сурган совуқ об-ҳаво шароити "McDonald's Corp" даромадига салбий таъсир кўрсатган. Масалан, энг паст ҳарорат қайд этилган Иллинойс штатида савдо ҳажми 1,4 фоиз тушиб кетган. Бундан ташқари, асосий рақобатчилари — "Wendy's" ва "Burger King" бир қатор янги хизматлар билан мижозлар эътиборини қозонаётгани туфайли ҳам унинг маҳсулотларига талаб сезиларли даражада сустлашган.

Айни пайтда "McDonald's Corp."нинг АҚШда 14200 та ресторани фаолият кўрсатмоқда.

# Юз йилдан сўнг топилган хат

*Германиялик балиқчи Конрад Фишер Болтиқ денгизида 100 йилдан кўпроқ вақт давомида сузиб юрган шиша идиш ичидан хат топиб олди.*



Ушбу нома 1913 йилнинг 17 май куни Данияда берлинлик Рихард Платц номига ёзилган. Унда Платцдан Германиядаги яшаш манзилини юбориш сўралган.

Балиқчи ҳозирча ушбу ноёб топилмани нима қилиш тўғрисида бир қарорга келганича йўқ. У аввалига хатни экспертларга ёки бирор музейга топширмоқчи бўлди. Кейин эса уни аукцион орқали сотиш фикрига ҳам борган.

